

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

БАБАХАНОВ ГУЛИМБАЙ КУТЛИБАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДАГИ БУРУН ТЎСИҒИ ҚИЙШИҚЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 616.212.2; 616.314.21-007.53; 616-073.756.3; 616.211-089

Докторлик диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Бабаханов Гулимбай Кутлибаевич

Болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлигини ташҳислаш ва даволаш.....3

Бабаханов Гулимбай Кутлибаевич

Диагностика и лечение искривления перегородки носа у детей38

Babakhanov Gulimbay Kutlibayevich

Diagnosis and treatment of nasal septum deviations in children74

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....78

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

БАБАХАНОВ ГУЛИМБАЙ КУТЛИБАЕВИЧ

**БОЛАЛАРДАГИ БУРУН ТЎСИҒИ ҚИЙШИҚЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик диссертация (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия медицина институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг вебсаҳифасида (www.tsdi.uz) «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳасанов Саидакрам Асқарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насиров Вадим Алиярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қирғизистон Республикаси)

Абдукадиров Абдусалом Абдукадирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Жаҳонгир Фазлитдинович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Астана тиббиёт университети
(Қозғоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил «15» декабрь соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел/Факс: +998712302065; E-mail tdsi2016@mail.ru

Докторлик диссертацияси (DSc) билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин, “_____” рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел.: +998712302065.

Диссертация автореферати 2020 йил «2» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги № 83 рақамли реестр баённомаси)



Handwritten signature of N.K. Xaydarov

Н.К. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Handwritten signatures of L.E. Xasanova and A.A. Abdukaev

Л.Э. Ҳасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуқаюмов А.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Замоनावий оториноларингологияда, яллиғланиш жараёнлари ҳамда танглайнинг туғма нуқсонлари, шунингдек, кўпгина хирургик касалликларни ўрганиш ва уларни даволаш борасида, стоматолог мутахассислар билан, интеграцион тарзда иш олиб бориш мукамал йўлга қўйилган. Бироқ, бурун тўсиғи қийшиқлиги (БТҚ) да риномаксилляр комплекс (РМК)нинг, хусусан, бурун бўшлиғи суяк-тоғай тузилмалари деформатив ўзгаришларини ўрганиш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Айниқса, “... тиш-жағ тизими билан бурун бўшлиғи структурасини эмбриогенетик, анатомик ва функционал жиҳатдан ажралмас бир бутунлигини”¹ инobatга олган ҳолда, ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган интеграцион (оториноларинголог ва ортодонт) илмий изланишлар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Айниқса, бурун тўсиғи қийшиқлиги билан биргаликда кечувчи юқори жағ торайишларини юқори технологияли ортодонтик даволашга қарамасдан, кўп ҳолларда кузатилаётган рецидивлар сонини камайтиришга қаратилган оториноларингологик илмий изланишлар етарли эмас.

Жаҳон амалиётида, ушбу, риномаксилляр комплекснинг меъёрий морфометрик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар кам учрайди ва бу маълумотлар фрагментар характерга эга. Мавжуд маълумотлар эса, скелетланган калла чаноғидаги ўлчамларга асослангандир. Бундан ташқари, бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга кечувчи юқори жағ торайишларида, оториноларингологлар томонидан амалга ошириладиган мавжуд септопластика усуллари бурун бўшлиғининг ўлчамларини ҳисобга олмаган ҳолда бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар талайгина.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичида, бурун тўсиғи қийшиқлигини ва юқори жағ торайишларини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган, кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йўналишда, асосан, кўрсатиладиган юқори технологияли оториноларингологик ва ортодонтик ёрдам сифатини яхшилашда қониқарли натижаларга эришилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада мукамаллаштириш масаласи, хусусан, бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга учровчи юқори жағ торайишларини ортодонтик даволашдан кейинги тиш-жағ аномалиялари рецидивлари сонини камайтириш, илмий асосланган натижаларни талаб этмоқда. Маълумки, аҳолининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида, 2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган². Бугунги

¹ Neskey D, Eloy JA, Casiano RR. Nasal, septal, and turbinate anatomy and embryology. *Otolaryngol Clin North Am.* 2009; 42(2):193-205.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

кунда, мамлакатимизда, тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида бурун тўсиғи қийшиқликлари ва тиш-жағ аномалияларини олдини олиш борасида талайгина ишлар амалга ошириш бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилгандек, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу Фармонга мувофиқ, юқори жағи тор болалар орасидаги бурун тўсиғи қийшиқлигининг учраш частота (даража)сини аниқлаш, бундай “қўшма” касалликнинг ўзига хос клиникасини ўрганиш, диагностикаси ҳамда даволаш алгоритминини такомиллаштириш масалалари долзарбдир.

Мазкур диссертация иши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот VI. "Тиббиёт ва фармакология" – Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Бурун тўсиғи қийшиқлиги ҳамда юқори жағ торайишларининг учраш даражаси, клиникаси, ташхиси ва комплекс бартараф этишни ўрганишга

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

www.pubmed.ncbi.nlm.nih.gov,

https://scholar.google.com/schhp?hl=ru&as_sdt=0,5,

<https://www.elibrary.ru/defaultx.asp>,

www.miami.edu,

www.illinois,

www.niad.nih.gov,

www.buc.edu,

www.uvd.edu, www.ucs.br,

www.ts.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан, Croatian Academy of Medical Sciences (Хорватия), Osmangazi University (Туркия), Sacred Heart University (Италия), Santa Maria Hospital University of Medicine and Pharmacy (Руминия), Chinese PLA General Hospital (Хитой), Edmonton Clinic Health Academy, University of Alberta (Канада), Southern Illinois University School of Medicine (АҚШ), Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия), Erasmus MC-Sophia Children's Hospital, Rotterdam (Нидерландия), Theagenio Cancer Hospital, Thessaloniki (Греция), St. Francis Hospital and Medical Center, Hartford (АҚШ), Malmö University Hospital, Lund University, Malmö (Швеция), University of Wisconsin, Madison, Wisconsin, (АҚШ), Duzce Medical Faculty, Duzce University, Duzce (Туркия), The First Affiliated Hospital of Jinan University, Guangzhou (Хитой), Asian Medical Center, University of Ulsan, College of Medicine, Seoul (Корея), Universitat de Barcelona, Barcelona, Catalonia (Испания), Graduate School of Medical and Dental Sciences, Kagoshima University, Kagoshima (Япония), University of Mainz (Германия), Gentofte University Hospital of Copenhagen (Дания), Helsinki University Central Hospital (Финляндия), Institute of Pathology, University of Oslo (Норвегия). Яқин чет элда ушбу муаммо билан, “Федерал тиббий-биология агентлиги Оториноларингология миллий тиббий тадқиқот маркази” нинг Федерал давлат бюджет муассасаси (ФГБУ НМИЦО ФМБА, Россия), Санкт-Петербургдаги Қулоқ, томоқ, бурун ва нутқ илмий-тадқиқот институти (Россия), Коломийченко номли Қулоқ, томоқ, бурун илмий-тадқиқот институти (Украина) кенг шуғулланишади.

Болаларда қуйидаги марказлар: Croatian Academy of Medical Sciences (Zagreb), Osmangazi University (Eskisehir), Sacred Heart University (Rome), Santa Maria Hospital University of Medicine and Pharmacy (Bucharest), Chinese PLA General Hospital (Beijing), Asan Medical Center, University of Ulsan, College of Medicine (Seoul) мутахассислари томонидан бурун тўсиғи қийшиқлиги эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича бир қатор илмий натижалар олинган, эрта ташхис қўйиш ва эрта жарроҳлик билан даволашнинг аҳамияти уқдирилган (Erasmus MC-Sophia Children's Hospital, Rotterdam).

Бироқ, юқоридаги илмий-амалий марказларда фаолият юритувчи муаллифлар томонидан, юқори жағнинг деформатив ҳолати ҳамда боланинг ёшига кўра, бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга кечувчи юқори жағ торайишлари частотасини аниқлаш; риномаксилляр комплекс аномалияларининг шаклланиш механизмига эътибор бериш; юқори жағ торайиши даражасига кўра, бурун тўсиғи қийшиқликларининг турлари ва тўсиқнинг рельефини ўрганиш; ушбу аномалияларни ташхислашнинг юқори информатив усуллари ишлаб чиқиш; патогенетик жиҳатдан асосланган бурун тўсиғининг эндонал хирургик коррекциясини ишлаб чиқиш; риномаксилляр соҳа аномалияларини олдини олишнинг комплекс-профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқиш; жарроҳликдан кейин, мазкур

болалар контингенти ҳаёт сифатини яхшилаш масалаларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишмаган ва шу боис, бу борада мукамал таклифлар етарли эмас. Юқоридаги муаммолар ва мунозарали масалалар оториноларингология ва стоматологиянинг устивор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада тиббиётда чуқур илмий изланишлар олиб борилишига зарурият (эҳтиёж) пайдо бўлди ва биз бунга эътиборимизни жалб қилдик.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Bresolin D., Shapiro P.A., Shapiro G.G., Chapko M.K., Dassel S., 1983; Duchateaux C., (2004) маълумотларига кўра, бурун тўсиғи қийшиқлиги ва бурун обструкцияси тиш-жағ аномалиялари ривожланишининг асосий сабабчиларидан биридир. Бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга кечувчи юқори жағ торайишлари, ортодонтик нуқтаи назардан ўрганилган эса-да, мунозарали характерга эга. Баъзи муаллифлар (Образцов Ю.А., Ларионов С.А., Вишнякова И.В., 1986; Махсудов С.Н., 2002; Mladina R., 1987) "... болаларда, ҳар қандай бурундан сурункали нафас олиш қийинлиги билан кечадиган омил, тиш-жағ-юз аномалияларини чиқариши мумкин .." - деб ҳисоблашади. Бурун тўсиғи қийшиқлигининг тарқалиши кўлами (частотаси), жуда кенг миқёсда (34-95%) бир биридан фарқ қилади. Бироқ, бурун тўсиғи қийшиқликларининг юқори жағи торайган болалар ва катталар орасида тарқалиши ҳақидаги маълумотлар санокли (Махсудов С.Н., 2002) ва булар фрагментар характерга эга бўлиб қолмоқда.

Бурун тўсиғи қийшиқлиги туфайли, бурун бўшлиғининг вертикал ва горизонтал ўлчамларини аниқлаш бўйича фақат Н.С. Храппо, Н.В. Тарасова (1999) тадқиқоти мавжуд. Сўнгги йилларда, болаларнинг ёшига қараб, бурун бўшлиғининг нормал баландлиги ва кенглигини ҳаётий (интравитал) аниқлаш масалалари бўйича бир нечта илмий изланишлар пайдо бўлди (Махсудов С.Н., Зуфаров С.А., 1999; Махсудов С.Н., Наврузов К.Т., Бабаханов Г.К., 2000). Аммо, ҳанузгача бурун бўшлиғи суяк деворлари (қаттиқ танглай ва бурун бўшлиғи латерал девори) деформацияси, уларнинг торайиш даражаларига боғлиқ равишда ўрганилмаган ҳамда ушбу бурун бўшлиғининг рентгенопроекцион майдон юзаси аниқланмаган, қолаверса, риномаксилляр комплекснинг анатомик тузилишини телерентгенограмметрия усули асосида ўрганиб, унинг нормал рентгенотопометриясига оид қиёсий метрик кўрсаткичлар аниқланмаган. Бу борада, бош суяклари обзор рентгенографияси, ортопантомография, МСКТ, 3D конус нурли компьютер томография, МРТ ва ультратовуш усуллари ёрдамида риномаксилляр комплексни морфометрик таҳлил қилиш мумкин. Бироқ, санаб ўтилган усуллар турли чуқурлик ва қатламларда жойлашган антропометрик нуқталарни икки ўлчовли (2D) проекцияда морфометрик тадқиқ қилишга имкон бермайди. Замоनावий тиббиётда, бундай техник талабларга бошнинг "масофавий рентгенографияси" – телерентгенография (ТРГ) усули жавоб бера олади.

С.Н. Махсудов (2002) фикрига кўра тиш-жағ аномалияларининг 61 фоизи сурункали назофарингеал обструкция (СНФО) туфайли ривожланади.

Муаллифнинг маълумотига қараганда 70% ҳолларда, сурункали назофарингеал обструкциянинг сабабчиси – бурун тўсиғи қийшиқлигидир. Бошқа томондан, сурункали назофарингеал обструкция туфайли ривожланган тиш-жағ аномалияларини ЛОР-мутахассислари аралашувисиз, замонавий, ортодонтик техника билан даволашга қарамасдан, бурундан нафас олиш тўлиқ тикланмаганлиги боис, 40% ҳолларда ушбу аномалиялар рецидиви кузатилмоқда. Муаллиф, бурун тўсиғи қийшиқликларини ташхислаш ва даволашда, иккала мутахассис (оториноларинголог ва ортодонт) ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, анъанавий тарзда ёндошилганида эса, бундай рецидивлар лоақал 40% дан 28 фоизгача пасайишини кузатган. Бундан ташқари, муаллиф, тиш-жағ аномалияларига сабабчи, сурункали назофарингеал обструкцияларни анъанавий йўл билан бартараф қилинганидан кейин, риномаксилляр комплекснинг ривожланиши қисман тормозланишини ҳам кузатган. Шу боис, тадқиқотчи, қаттиқ танглай гумбазини (готик танглайни) меъёрий даражагача тушириш, шунингдек, риномаксилляр комплексни, шу жумладан, торайиб қолган бурун бўшлиғи ва юқори жағ асосинини синхрон равишда кенгайтириш ғоясини илгари сурган. Автор, келгусида, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боровчи ЛОР-мутахассислар билан яқин ҳамкорлик зарурлигини айтиб, бурун тўсиғининг атипик, вертикал биомеханик “тортиш” кучини йўқотиш чораларини излаш лозимлигини таъкидлаган.

Шундай қилиб, бу муаммо, оториноларингологлар томонидан ортодонтлар иштирокида, аниқ илмий далиллар асосида, янада чуқурроқ ўрганилиб, тегишли амалий тавсиялар тақдим этилишини талаб қилмоқда. Бу борада, телерентгенограмма тасвирининг юқори информативлиги, масофавий мутаносиблиги ва идентификацион аниқлиги, шунингдек, ташқи бурун юмшоқ тўқималари ва бурун тўсиғи тоғай структураларини визуал равишда баҳолаш имкониятларини инобатга олган ҳолда, ушбу усулни оториноларингологиянинг ташхислаш усуллари қаторига киритиб қўйиш зарурати юзага келди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти “Оториноларингология, болалар оториноларингологияси ва болалар стоматологияси” кафедрасининг 01980006703-сонли, 2000-2025 йилларга мўлжалланган “Қулоқ, бурун ва томоқ касалликларига ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация ва рационал профилактика самарадорлигини оширишнинг янги усуллари излаш” мавзусидаги илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади юқори жағи тор болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлигини ташхислашнинг ҳамда даволашнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори жағи тор болалар орасида бурун тўсиғи қийшиқлигини тарқалиш даражасини (кўламани) аниқлаш;

болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги билан юқори жағ торайиши бирга учраган ҳолатларни ташҳислаш учун, янги услублар ишлаб чиқиш;

болалар риномаксилляр комплексининг нормал ҳамда бурун тўсиғи қийшиқ ва юқори жағи торайган ҳолатдаги рентгеноцефалометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

бурун тўсиғи ва марказий танглай чоки остеотомияси бичимининг моделини яратишга мўлжалланган компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

юқори жағи сезиларли торайган болалардаги бурун тўсиғини қийшиқлигини тўғрилаш, қаттиқ танглай баландлигини меъёргача пасайтириш ва бурун бўшлиғини кенгайтириш учун мўлжалланган септопластика усулларининг имкониятларини клиник материалларда баҳолаш;

бурун тўсиғи қийшиқлиги билан юқори жағ торайиши бирга кечадиган болаларни операциядан кейинги даволаш жараёнини оптималлаштириш ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида, белгиланган вазифаларни бажариш учун, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 1568 болалар оториноларингологик ва ортодонтик кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 889 нафари 1-9 синф ўқувчилари; 573 нафари – бурун тўсиғи қийшиқлиги ташҳиси билан мурожаат қилганлар, 106 таси эса, юқори жағ торайиши билан мурожаат қилган бемор болалардир.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги билан юқори жағ торайиши бирга учрашига ташҳис қўйиш ҳамда хирургик даволаш услубларини қўллаш натижаларини қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумклиник, оториноларингологик, ортодонтик, обзор рентгенографик, телерентгенографик, антропометрик, функционал, МСКТ, МРТ, математик моделлаш ва прогнозлаш ва статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга кечувчи юқори жағ торайишларининг тарқалиш даражаси, уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлигини аниқланган;

бурун тўсиғи баландлиги ва қаттиқ танглай асл ўлчамлари рентген тасвирини туширишда бошнинг оптимал ҳолати (проекцияси) такомиллаштирилган;

бурун бўшлиғининг нормал ва унинг торайган ҳолатдаги ўлчамларига оид янги телерентгенограммометрик кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга учрайдиган юқори жағ торайишларида септопластика билан уйғунлашган кристосутуротомия жарроҳлиги ишлаб чиқилган ва постоперацион даволаш тактикаси такомиллаштирилган.

бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга учрайдиган юқори жағ торайишларида, марказий танглай чокида бажариладиган сутуротомиянинг математик бичими модели яратилган;

риномаксилляр комплекс тараққиётини нормаллаштириш, бурун тўсиғи меърий баландлигини тиклаш ва бурун тўсиғи ҳамда қаттиқ танглайни ортодонтик усулда пасайтиришга қаршилиқ қилувчи “атипик вертикал биомеханик тортиш кучини” бартараф қилиш чораси такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тузилган корреляция жадваллари тезкор, аниқ ташҳис қўйиш ва мутахассисларнинг интеграцион тамойилга мувофиқ фаолият олиб боришларига имкон берган;

бошнинг оптимал проекцияси қаттиқ танглай, бурун тожи ва бурун тўсиғининг асл рентгенопроекции ўлчамларини аниқлашга имкон бериб, кристосутуротомиянинг математик бичим моделни хатосиз тузишга гаров бўлиши исботини топган;

кристосутуротомия жарроҳлиги риномаксилляр комплекс суюқ-тоғай тўқималарининг тараққиётини бузмасдан, юқори жағни ортодонтик кенгайтириш ва протракция динамикасини жадаллаштириш, бурун бўшлиғининг деформацияга учраган ўлчамларини нормал ҳолатга келтириш, бурундан тўлиқ нафас олишни таъминлаш ва рецидивларга барҳам бериши исботланган;

тампонни эрта олиб ташлаш ва бурун бўшлиғига газсизлантирилган минерал сув “пуркаш” постоперацион дискомфортни камайтириши, беморнинг ҳаёт сифатини тубдан яхшилаши аниқланган;

мутахассисларнинг ёрдам кўрсатиш алгоритми бурундан тўлиқ нафас олиш фаолияти ва юз эстетикасини тиклаши, ушбу болаларнинг жамиятга тўлиқ интеграциясини таъминлаши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, беморлар ҳолати, замонавий даволаш ва ташҳисот усуллари, аниқ услубий ёндошувлар ва статистик таҳлил танловларини баҳолашнинг объектив мезонларини қўллашга асосланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт асосларига асосланган. Статистик қайта ишлов олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, юқори информацион, айна пайтда ўзига хос тадқиқот усулларида фойдаланиш билан асосланади. Хулоса ва таклифлар юқори жағи тор болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлигининг этиологияси ва патогенезини бойитишга, уларни ташхислаш ва даволаш тадбирларига катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот амалий аҳамияти шундаки, ушбу иш натижалари амалиётга катта ҳисса қўшади ҳамда тиббий ва иқтисод жиҳатидан самара келтиради,

бирламчи тиббий ёрдам звеносидан тортиб, то ихтисослашган йирик клиникаларга қадар риномаксилляр комплекс аномалияларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга ўз улушини қўшади. Таклиф этилаётган, яъни мос мутахассисларнинг интеграцияси принципи қоидаларига риоя қилиниши, болалар популяциясини тиббий кўриқдан ўтказиш сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада яхшилади, шунингдек, бурун тўсиғи қийшиқлигини пайдо бўлиши тенденциясини камайтириб, бурун-юқори жағ комплексида риволаниши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олади. Таклиф этилган янги жарроҳлик усуллари риномаксилляр комплекс ривожланиш ва ўсиши бузилишларининг сабабини бартараф қилади, юқори жағни ортодонтик кенгайтириш ва протракцияси учун оптимал биомеханик шарт-шароитларни яратади, бурундан тўлиқ нафас олишни таъминлайди ва тиш-жағ аномалияларининг қайталаниши максимал пасайтиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бурун тўсиғи қийшиқлиги билан бирга кечувчи юқори жағ торайишлари мавжуд беморларга юқори технологик ёрдам сифатини яхшилаш, риномаксилляр комплекс аномалияларининг шаклланиш механизмига эътибор бериш, ушбу аномалияларни ташхислашнинг юқори информатив усулларини ишлаб чиқиш, патогенетик жиҳатдан асосланган бурун тўсиғининг эндонозал хирургик коррекциясини ишлаб чиқиш, риномаксилляр соҳа аномалияларини олдини олишнинг комплекс-профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқиш, жарроҳликдан кейин, мазкур болалар контингенти ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

02.05.2011 санадаги 0285-сонли “Тиш-жағ нуқсонлари билан биргаликда кечувчи бемор болалар бурун тўсиғи қийшиқликларидаги кристосутуротомия билан уйғунлашган септопластика натижалари” номли ахборот хати жарроҳларга амалий ёрдам кўрсатди.

Тадбиқ этилган кристосутуротомия билан уйғунлашган септопластика жарроҳлик амалиёти Ўзбекистон Республикаси ССВнинг “Даволашнинг янги технологиялари” рўйхатидан ўрин олган 25.05.2016, № 10-5/1161).

Болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлигини ташхислаш ва даволаш мавзусидаги илмий ишнинг натижалари асосида, қуйидаги методик қўлланмалар чоп этилган:

“Болаларда юқори жағ ўсиши аномалиялари билан биргаликда кечувчи бурун тўсиғи қийшиқликларини телерентгенометрик ўрганиш” (ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш Бўлимида №8-н-р/608 16.12.2019 тасдиқланган). Бу қўлланма диагностика самарадорлигини оширишга имкон берган;

“Болалардаги юқори жағнинг ривожланиш нуқсонлари заминида кечувчи бурун тўсиғи қийшиқлигини комплекс даволашда мутахассисларнинг ҳамжиҳатликдаги тактикаси” (ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш Бўлимида №8-н-р/608 16.12.2019 тасдиқланган). Даволашда қўлланилган ушбу тадбирларни клиник амалиётга

тадбиқ этиш беморларни даволаш даврининг қисқаришига ва унинг самарасини оширишга имкон берган.

“Болалардаги бурун септопластикасига тактик ёндошувларни такомиллаштириш” (ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш Бўлимида №8-н-р/350 09.10.2020 тасдиқланган). Бу қўлланма амалда диагностика ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Патент олинган. “Тиш-жағ аномалияси бўлган болаларда туғма бурун тўсиғи деформациясининг септопластик жарроҳлик усули” (танглай чокининг кристосутуротомияси учун модел). Электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувонома № DGU05213, Arizaning raqami DGU 2018 0180, ЎзР 16.04.2018 й.

Асосий илмий тадқиқот натижалари ТошПМИ, ТТА ва Тошкент шаҳар 7-сон ШКШ ЛОР-бўлимларида амалиётга тадбиқ этилган. Тадқиқот натижалари ТошПМИ, ТТА, ТДСИ ва ТошВМОИ ўқув режаларига киритилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилишларнинг умумий самараси: юқори жағи тор болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги нуқсонларини тобора эрта аниқлаш; бурундан нафас олиш фаолиятининг тўлиқ тикланиши ва “оғиз орқали сурункали нафас олиш синдромини” бартараф қилиниши; ортодонтик даволаш учун қулай, биотехнологик муҳит яратиб, даволаш жараёнини тезлатириши, шунингдек, ортодонтик даволашдан сўнгги риномаксилляр аномалиялар рецидивларини кескин камайтириши каби ижобий ютуқлар билан намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижа ва хулосалари 9 та халқаро, 14 та Ўзбекистон илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди ва эълон қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та (17 таси журналлардаги мақолалар, шу жумладан, 8 таси республика, 9 таси хорижий журналларда) илмий иш чоп этилган.

Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадбиқ этилган кристосутуротомия билан уйғунлашган септопластика жарроҳлик амалиёти Ўзбекистон Республикаси ССВнинг “Даволашнинг янги технологиялари” рўйхатидан ўрин олган ва Республика даволаш-профилактика муассасаларига кенг тадбиқ этилган (25.05.2016 сана, 10-5/1161-сон кўрсатма хат: «Болалардаги-жағ аномалияларини самарали даволаш ва рецидивлар сонини камайтириш тўғрисида»).

1 та гувоҳнома DGU05213 олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **“Кириш”** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлигига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий муаллифлар илмий материаллари асосида бурун тўсиғи ва юқори жағ шакли ва ўлчамлари ўзгаришларининг терминологик тушунчалари, бурун бўшлиғи, бурун тўсиғи ҳамда юқори жағни ривожланиш ва ўсишининг ўзига хос хусусиятлари, бурун тўсиғи қийшиқлиги ва юқори жағ торайишларининг болалардаги тарқалиши, юқори жағ торайишларини аниқлашда телерентгенографиянинг аҳамияти, бурун тўсиғи қийшиқлиги, юқори жағ торайишлари ва готик танглайни замонавий ташхислаш, даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Мазкур муаммонинг замонавий ҳолати ва касалликнинг клиник кечиши, уни ташхислаш ва даволаш усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур масаланинг ўз ечимини кутаётган жабҳалари тўғрисида хулосавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва текширув усуллариининг умумий тавсифи келтирилган.

Диссертация иши Тошкент педиатрия медицина институти (ТошПМИ) “Оториноларингология, болалар оториноларингологияси, Болалар стоматологияси” кафедрасининг клиник базалари сирасига кирувчи ТошПМИ клиникаси ва Тошкентни 7-сон шаҳар клиник шифохонасининг ЛОР-бўлимларида олиб борилди.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун (1-жадвалда келтирилган) 1568 нафар мактаб ўқувчилари ва беморларда чуқурлаштирилган оториноларингологик ва ортодонтик комплекс текшириш ўтказилди.

1-жадвал. Тадқиқот объекти.

№	Тадқиқот объекти	сони (абс)
1.	1-9 синф мактаб ўқувчилари (профилактик кўрик)	889
2.	Бурун тўсиғи қийшиқлиги ташхиси билан ЛОР-бўлимларига ётқизилган беморлар	194

№	Тадқиқот объекти	сони (абс)
3.	Охирги 2 йил мобайнида бурун тўсиғи қийшиқлиги (БТҚ) ташхиси билан ЛОР-бўлимларига ётқизилган пациентлар касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинганлар	34
4.	Тошкент шаҳар 2-сон болалар стоматология поликлиникаси ва “ChilDent” хусусий корхонаси ортодонтлари назоратида бўлган болалар	106
5.	Юқори жағи торайган болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги туфайли кристотомия билан уйғунлашган септопластика (КТУС) ўтказилган болалар	115
6.	Юқори жағи торайган болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги туфайли кристосутуротомия билан уйғунлашган септопластика (КСТУС) ўтказилган пациентлар	230
7.	Жами:	1568

Болалар контингенти орасида юқори жағи торайиши ва бурун тўсиғи қийшиқлиги тарқалиш даражасини аниқлаш мақсадида ва ушбу патологияларнинг турли хил клиник шаклларини ўрганиш учун 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 889 нафар Тошкент шаҳридаги 97-сон ва Тошкент вилоятидаги 50- ва 60-сон мактабларнинг 1-9 синф ўқувчилари педиатр, болалар стоматологи, ортодонт, болалар оториноларингологи иштирокида профилактик тиббий кўрикдан ўтказилди. Статистик ишонарли бўлиши учун ҳар бир синфдан бир хил сондаги болалар танланди (2-жадвал).

2-жадвал. 889 та мактаб ўқувчиларининг ёши ва жинси бўйича тақсимоти.

Ёши (синф)	Ўғил болалар (Э)		Қизлар (А)		Жами	
	n	%	n	%	n	%
7 ёш (1-синф)	52	49,1%	54	50,9%	106	100,0%
8 ёш (2-синф)	56	56,0%	44	44,0%	100	100,0%
9 ёш (3-синф)	50	50,5%	49	49,5%	99	100,0%
10 ёш (4-синф)	59	55,1%	48	44,9%	107	100,0%
11 ёш (5-синф)	57	51,8%	53	48,2%	110	100,0%

12 ёш (6-синф)	50	61,0%	32	39,0%	82	100,0%
13 ёш (7-синф)	42	42,9%	56	57,1%	98	100,0%
14 ёш (8-синф)	54	51,9%	50	48,1%	104	100,0%
15 ёш (9-синф)	42	50,6%	41	49,4%	83	100,0%
Жами:	462	52,0%	427	48,0%	889	100,0%

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўқувчиларнинг жинсга нисбатан таркиби бир-бирига яқин ($\text{Э/А} \approx 1:1$).

Бурун тўсиғи қийшиқ болалар орасида тиш-жағ аномалиялари тарқалганлик даражаси ва характерини аниқлаш учун бурун тўсиғи деформацияси бўлган $n=194$ болалар текширилди. Шу жумладан, ўғил болалар 120/194 (61,9%), қизлар 74/194 (38,1%). Бундан ташқари, сўнгги 2 йилда бурун тўсиғи қийшиқлиги бўйича операция қилинган беморларнинг тиббий тарихи ($n=34$) ретроспектив таҳлил қилинди. Касаллик тарихини танлашда бурун тўсиғи қийшиқлиги ва юқори жағ торайиши клиник белгиларининг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу беморларнинг ёши (Гундобин бўйича) ва жинси бўйича тақсимоти 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал. Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимоти.

Кўрсаткич	Ёши (йилларда)								Жами
	4-6 ёш		7-9 ёш		10-15 ёш		Барчаси		
	Э	А	Э	А	Э	А	Э	А	
N	18	6	46	14	84	26	148	46	194
%	9,3%	3,1%	23,7%	7,2%	43,3%	13,4%	76,3%	23,7%	100,0%

Изоҳ: Э – ўғил болалар, А – қизлар.

Юқори жағи тор болалар орасида бурун тўсиғи қийшиқлигини тарқалиш даражасини ва характерини аниқлаш учун, 2012 йилдан 2017 йилгача, Тошкент шаҳар 2-сон болалар стоматология поликлиникаси ва “ChilDent” хусусий клиникаси ортодонтлари назоратида турган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган юқори жағи торайган $n=106$ болалар текширилди (4-жадвал). Таҳлилнинг тозаллиги учун асосий гуруҳга фақат ўсиш ва ривожланиш нуқсонлари туфайли бурун тўсиғи қийшиқлиги ривожланган болалар киритилди.

4-жадвал. Юқори жағи торайган болалар гуруҳининг ёши ва жинси бўйича тақсимоти

Кўрсаткич	Ёши (йилларда)								Жами
	4-6 ёш		7-9 ёш		10-15 ёш		Барчаси		
	Э	А	Э	А	Э	А	Э	А	
N	8	8	24	20	22	24	54	52	106
%	7,5%	7,5%	22,6%	18,9%	20,8%	22,6%	50,9%	49,1%	100,0%

Изоҳ: Э – ўғил болалар, А – қизлар.

Юқори жағи тор болалардаги бурун тўсиғи қийшиқлиги 345 пациентларнинг n=115 тасида кристотомия билан уйғунлашган септопластика (КТУС) ва n=230 тасида кристосутуротомия билан уйғунлашган септопластика (КСТУС) ўтказилди.

Тадқиқотда умумклиник, оториноларингологик, ортодонтик, инструментал, обзор-рентгенографик, телерентгенографик, МСКТ, МРТ, биометрик, статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

5-жадвалда риномаксилляр комплекснинг ҳолатини тасдиқловчи объектив тадқиқот усулларидаги номи ва сони кўрсатилган.

5-жадвал. Тадқиқот усулларидаги номи ва сони


№	Тадқиқот усулидаги номи	Сони (абс)
1.	Бошнинг фронтал телерентгенография	359x2*
2.	Бошнинг профиль (ён) телерентгенография	122x2*
3.	Ортопантомография	45
4.	Жағлар моделларининг биометрик таҳлили	345x2*
5.	Аналитик фотография (интраорал ва экстраорал)	345x3*
6.	Бурун ёндош бўшлиқлари обзор рентгенографияси	85
7.	Бош МСКТ си	65
8.	Бош МРТ си	27
9.	Ринопневмометрия	355x2*

Изоҳ: * белгиси динамикада такрорланган тадқиқотлар сонини англатади.

Телерентгенограмма тасвирининг юқори информативлигини, масофавий мутаносиблигини ва идентификацион аниқлигини, шунингдек, ташқи бурун юмшоқ тўқималарини ва бурун тўсиғи тоғай структураларини визуал равишда баҳолаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рақамли фронтал ҳамда профил телерентгенография усули қўлланилди. Ушбу тадқиқот усули билан бурун бўшлиғи архитектураси, шу жумладан, бурун тўсиғи тоғайининг нормадаги ва юқори жағ торайиши оқибатидаги содир бўлган трансверсал, вертикал ва сагиттал йўналишдаги деформацион ўзгаришлари таҳлил қилинди.

Юқори жағ “сезиларли” торайиши мавжуд болаларда қаттиқ танглай баландлигини аниқлаш учун латерал телерентгенографияга асосланган А.А. Эль-Нифелли (1964) таҳлил услубидан фойдаланилди. Бурун бўшлиғи ва юқори жағ баландлиги ўзаро нисбатларини аниқлашда эса латерал телерентгенографияга асосланган Е.Н. Жулев (1986) таҳлили қўлланилди.


Биз томондан “**Қаттиқ танглайнинг ҳаётий (интравитал) асл қалинлигини аниқлаш услуби**” ишлаб чиқилди. Бунда фронтал телерентгенография нейтрал, яъни бурун-пешона ва бурун-энгак проекциялари ўртасига мос келувчи проекцияда тасвирга олинади. Бундай проекциялашда рентген нурларининг йўналиши юқори жағнинг spina nasalis anterior et posterior (ANS et PNS) нуқталари “соясини” ўзаро устма-уст тушади ва бу қаттиқ танглайнинг сагиттал текислигига тўғри келади (1-расм).




1-расм. Қаттиқ танглайнинг ҳаётий (интравитал) ҳақиқий қалинлигини аниқлаш учун рентген нурларининг йўналиши юқори жағнинг ANS ва PNS нуқталари орқали ўтиб, уларнинг “сояси” ўзаро устма-уст тушишини таъминлаши.

Ушбу проекцияда 104 фронтал телерентгенография амалга оширилди.

Бурун бўшлиғи, юқори жағ ва юқориги тиш қаторининг вертикал ва кўндаланг ўлчамлари орасидаги корреляцион боғлиқлигини ўрганиш, шунингдек, РМК суяк-тоғай тузилмаларининг ҳақиқий ўлчамларини, шу жумладан, бурун бўшлиғининг кенглиги ва баландлигини аниқлаш учун биз **“Риномаксилляр комплексининг нормал ўлчамларини аниқлаш усули”** ни таклиф қилдик. Усул, фронтал телерентгенограммада ҳосил қилинган диагностик учбурчакларни ўзаро таққослашга асосланган (2, 3-расм).



2-расм. Юқориги иккинчи доимий моляр тишлар соҳасидан ўтувчи фронтал кесим бўйлаб, меъёрий ривожланган РМК анатомик тузилмаларида (фантомда) диагностик “учбурчаклар”нинг жойлашиши.



3-расм. РМК анатомик тузилмалари нормал ривожланган 13 ёшли К. нинг фронтал телерентгенограммасида диагностик “учбурчаклар” жойлашуви

Ушбу учбурчакларни таққослаш услуги учун назорат гуруҳи сифатида 6 дан 18 ёшгача бўлган 30 та бола иштирок этди. Уларнинг морфометрик кўрсаткичлари “идеал” бўлиб, юзи симметрик, ЛОР-аъзолари ва ортодонтик статусида патологик оғишлар йўқ эди. Учбурчаклар томонларининг узунлиги (6-жадвал), юзаси (7-жадвал), бурчакларининг катталиги (8-жадвал), корреляцион боғлиқлигини ўрганиш учун динамикада юқори жағи торайиши билан бирга кечаётган бурун тўсиғи қийшиқлиги бўлган ҳар бир беморнинг параметрлари қуйидаги ушбу (6, 7, 8) жадваллар маълумотлари билан таққосланди. Бу жадвалларда биз томондан аниқланган соғлом болалардаги диагностик учбурчакларнинг ўртача (меъёрий) кўрсаткичлари келтирилган.

6-жадвал. Диагностик “учбурчаклар” томонлари телерентгенограммометрик узунликларининг соғлом болалардаги ўртача (меъерий) оддий каср кўринишидаги нисбатлари

Учбурчаклар томонларининг шартли номланиши	D-D ¹	Mx-mx	E-e	d-d ¹	N-Mx	N-mx	N-d	N-d ¹	N-E	N-e	mx-e	
D-D ¹		9\16	3\5	9\11	3\10	9\25	9\25	2\5	9\35	18\65	6\5	Нисбатлар
Mx-mx	16\9		16\15	16\11	8\15	16\25	16\25	32\45	16\35	32\65	32\15	
E-e	5\3	15\16		15\11	1\2	3\5	3\5	2\3	3\7	6\13	2\1	
d-d ¹	11\9	11\16	11\15		11\30	11\25	11\25	22\45	11\35	22\65	22\15	
N-Mx	10\3	15\8	2\1	30\11		6\5	6\5	4\3	6\7	12\13	4\1	
N-mx	25\9	25\16	5\3	25\11	5\6		1\1	10\9	5\7	10\13	10\3	
N-d	25\9	25\16	5\3	25\11	5\6	1\1		10\9	5\7	10\13	10\3	
N-d ¹	5\2	45\32	3\2	45\22	3\4	9\10	9\10		9\14	9\13	3\1	
N-E	35\9	35\16	7\3	35\11	7\6	7\5	7\5	14\9		14\13	14\3	
N-e	65\18	65\32	13\6	65\22	13\12	13\10	13\10	13\9	13\14		13\3	
mx-e	5\6	15\32	1\2	15\22	1\4	3\10	3\10	1\3	3\14	3\13		

Ҳисоблашларда, сариқ ранга бўйланган диагонални ҳоҳлаган томонида келтирилган натижалар (маълумотлар)ни ишлатиш билан чегараланиш мумкин. Жадвалнинг сатрлари ва устунлари кесишган, бўйланган катакларда диагностик “учбурчаклар” томонларининг нисбатлари оддий каср кўринишида келтирилган. Диагоналдан чапда жойлашган касрларнинг суратида, биринчи, бўйланмаган вертикал устунда номлари келтирилган учбурчаклар томонларининг, махражида эса, энг юқориғи, бўйланмаган сатрда номлари келтирилган учбурчаклар томонларининг нисбий ўлчамлари келтирилган. Диагоналдан ўнгда жойлашган касрларнинг суратида эса, энг юқориғи, бўйланмаган сатрда номлари келтирилган учбурчаклар томонларининг, махражида эса, биринчи, бўйланмаган вертикал устунда номлари келтирилган учбурчаклар томонларининг нисбий ўлчамлари келтирилган. Жалвалдаги сонлар оддий каср шаклида берилган, агарда, бу, ўнли каср шаклида берилса, кўп жой эгалларди ва тушунарсиз ҳолга келган бўлар эди. Ҳисоблар услуги тригонометрик функцияларни ишлатишга асосланган. Фронтал телерентгенограммада, мутахассисларга олдиндан маълум бўлган антропометрик нукталар ҳолати топилади, оқ varaққа нукталарнинг аниқ нусха кўчирилади ва ушбу нукталарни ўзаро тўғри чизик билан туташтириш орқали диагностик “учбурчаклар” ясалади (2-3 расмлар). Ҳосил қилинган учбурчаклар томонлари узунликлари миллиметрларда ўлчанади, тригонометрик функциялар асосида, транспортир ишлатмасдан, ушбу диагностик “учбурчаклар” бурчаклари катталигини аниқлаш мумкин. Конкоет бемордаги исталган учбурчакнинг ҳоҳлаган томони узунлигини аниқласак бас, нисбатлар (пропорция)дан фойдаланиб ёки ҳисоб-китоблар осонлашиши учун, биз томондан таклиф этилган программдан фойдаланиб, Excel нинг мос катагига ушбу маълумотни киритиш асосида, қолган учбурчаклар томонларининг меъерий ўлчамларини топишимиз ва ниҳоят диагнозни билишимиз мумкин.

7-жадвал. Соғлом болалар риномаксилляр комплексиди аниқланган юз суяклариди диагностика учбурчаклариди бурчакларнинг ўртача қийматлари

Учбурчакларнинг геометрик номланиши	Диагностик учбурчакларди бурчаклар катталиги (градусди)								
